ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 7 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-321-327

МУҲАММАД РИЗО ОГАҲИЙ АХЛОҚИЙ-ТАЪЛИМИЙ ҚАРАШЛАРИДА НИЗОМИЙ ТАЪСИРИ

М. А. Каландарова
Урганч давлат университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муҳаммад ризо огаҳий ахлоқий-таълимий қарашларида низомий таъсири масаласи ёритилган. бундан ташқари ушбу масала бўйича тадқиқотчининг шахсий нуқтаи назари ҳам келтириб ўтилган. Тадқиқотнинг якунида муаллифнинг шахсий нуқтаи назари кельтртлган.

Калит сўзлар: ахлоқий-таълимий қараш, дидактик асар, бадиий асар, таржима орқали таъсир, тарбия.

MUHAMMAD RIZA OGAHI'S MILITARY INFLUENCE ON MORAL AND EDUCATIONAL VIEWS

ABSTRACT

This article provides support for regulatory issues in the moral-educational views of the aggressor consent consent. further verification of the onset of this issue. At the end of the event, the teacher's personal point of view was presented.

Keywords: moral and educational point of view, didactic work, work of art, influence through translation, education.

КИРИШ

Хива хонлиги қўнғиротлар сулоласи солномаларининг ҳар жиҳатдан мукаммал обидалар, муҳташам ёдгорликлар бўлиб шаклланишида адабий манбаларнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Хусусан, уларда Алишер Навоий, Низомий Ганжавий, Абулқосим Фирдавсий каби ижодкорлар таъсири ҳар жиҳатдан сезиш мумкин. Жумладан, мазкур сулола солноманавислари ичида энг сермаҳсули бўлган Муҳаммад Ризо Огаҳий ижодида Низомий Ганжавий анъаналари ва унинг шоир ижоди, умуман, ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳамда маърифий қарашларига таъсирининг илдизи, энг аввало, шоир тарбия топган замин, адабий муҳитда “Ганжа ганжури” (Алишер Навоий)га бўлган юксак

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-321-327

эҳтиром, унинг адабий мероси билан биргаликда шахсиятига бўлган чуқур таъзим, алоҳида эътибор натижасидир. Чунки бу инсонлар вояга етган заминда туркий адабиёт жаҳоний қиёфа касб этаётган илк кунларданоқ Ҳайдар Хоразмий томонидан “Махзан ул-асрор”, Қутб Хоразмий томонидан эса “Хусрав ва Ширин”нинг таржима қилиниши Низомийга бўлган алоҳида эътибор ва эҳтиром самараси эди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Хоразмда шаклланган форсийзабон адабиёт ва зуллисонайнлик анъаналарининг йигирманчи аср бошларигача давом этиб келгани бежиз эмас, албатта. Хоразмда форс тилидаги бадиий ижодга ҳозирги замон Эрон адабиётшунослари ҳам юксак баҳо берганлар. Биргина Шайх Нажмиддин Кубронинг форс тилида битган рубоийлари унинг маънавий ворислари бўлган инсонларни форс тилини ўрганиш, унда озми-кўпни ижод қилиш, бу адабиёт дурдоналаридан баҳраманд бўлишга маълум даражада таъсир этганини бемалол эътироф қилиш мумкин. Забиҳулло Сафо тўғри таъкидлаганидек, ҳар бири ислом оламида ўзига хос ўринга эга бўлган Шайх Маждиддин Бағдодийи Хоразмий, Шайх Сайфиддин Бохарзий, Шайх Саъдиддин Ҳамавий, Шайх Ризоуддин Али Лоло, Шайх Камолиддин Гилий кабилар қаторида Баҳоуддин Валад номи билан машҳур Султонул-уламо Баҳоуддин Муҳаммад бин Ҳусайн Хатибийи Балхий ҳам Нажмиддин Кубро шогирдлари бўлган.(1.) “Шуни эътиборга оладиган бўлсак, Баҳоуддин Валаднинг аржуманд фарзанди Жалолиддин Румийи Балхий томонидан яратилган “Маснавийи маънавий”дек асарнинг ҳам маърифий илдизлари форсий тилидаги Хоразм адабий муҳитига маълум жиҳатлари билан боғлиқ бўлиб чиқади”. (2,24.) Хоразмда форсийзабон адабиётнинг ривожида муҳим ўрин тутган Шайх Маждуддин Бағдодий, Имом Фахруддин Розий (Имоми Фахр), Паҳлавон Маҳмуд (3.), Абулвафойи Хоразмий, Ҳусайн Хоразмий, Ҳусомий Девона кабиларнинг ижодлари бу замин фарзандларининг форсий адабиёт, жумладан, Низомий ижодига бўлган қизиқишлари ошишининг муҳим омилларидан бири эди, деб қараш мумкин.

Огаҳий ижодига Низомийнинг ҳар томонлама таъсирини шоир яратган бадиий ва тарихий асарларда кўриш мумкин (4.). Зеро, Низомий Огаҳий камолга етган муҳитда энг ардоқли салафлар пешвоси ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам, Мунис бутун устодлар силсиласини санаган шеърини

Волийи мулки тариқат гар Низомийдур манга,
Манзили маъниға Хизри раҳ Жомийдур манга (5,11.)–

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-321-327

деб бошлагани бежиз емас.

Огаҳийнинг, таълим-тарбиявий ижтимоий-сиёсий ва маърифий дунёқараши шаклланишида Низомий Ганжавийнинг баракали таъсири бўлгани шубҳасиз. Хусусан, буни Огаҳийнинг моддият ва маънавият мутаносиблиги борасидаги фикрларида ҳам кузатамиз. Шоир “Таъвиз ул-ошиқин”даги шеърларидан бирида аҳли дунё – яшаш моҳиятини, ҳаёт мазмунини фақат моддий бойликларда кўрувчи, инсон қадрини унинг молиявий салоҳияти билан ўлчовчиларни назарда тутиб, аччиқ киноя ва алам билан ёзади:

Оламда ёзиқдур, бу жаҳон аҳли аро,
Қайси ҳайвоннинг эса сийму зари.
Кирмагай зарсиз кишилик сониға,
Саъдий ўлсун фазл аро Анварий (6,66.).

Огаҳий наздида ҳам ҳаётнинг асл моҳияти маънавий қашшоқлик ва тубанлик эвазига эришиладиган моддий фаровонликда эмас. Ҳаётини фақирона, муттасил моддий эҳтиёж билан ўтказган Огаҳий, албатта, моддий неъматларнинг ҳаётда тутган ўрни, аҳамиятини ғоят чуқур англаган. Лекин салафи солиҳлар қатори ҳеч қачон бундай фаровонлик маънавий чекланиш, руҳий таназзул ҳисобига бўлмаслигини ақида қилиб олган. Шунинг учун ҳам ифтихор билан

Бизки, бугун жаҳон аро кишвари фақр шоҳимиз,
Бошимиз узра оҳимиз шуъласидур кулоҳимиз (6, 214.),

дея ёзади.

Шарқнинг машҳур мутафаккирлари ҳаддан ташқари бойлик, одам эҳтиёжларидан ортиқча жоҳ унинг маънавий қиёфасига салбий таъсир кўрсатади, деган ақидада бўлганлар. Шунинг учун ҳам, Хожа Аҳрор Валий, Алишер Навоий каби моддий катта молиявий имкониятга эга покиза зотлар ўзларини худди шу мулку жоҳ эгаси эмасдек тута билганлар.

Огаҳийнинг юқоридаги сатрларда баён қилинган фикрлари Низомийнинг “Ҳарки, тўҳий кисатар – осудатар”, яъни “кимнинг бойлиги озроқ бўлса, тинчроқ бўлади” мисралари ёки

Фаровон хазина фаровон ғам аст,
Кам аст андуҳ онроки, дунё кам аст

(таржимаси: ҳаддан ташқари бойлик, кўп ғам келтирар, кимда мол-дунё кам бўлса, ташвиши ҳам озроқдир) – деган байтига ҳамоҳанглик касб этади. Чуқурроқ мулоҳаза қиладиган бўлсак, бу сатрлар моддий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-321-327

неъматлардан юз ўгириш ёки улардан тамоман воз кечишга эмас, билъакс, моддий имконияти катта инсон зиммасидаги масъулиятни теран англашга даъватдир. Бундай масъулият зиммасида бўлган инсонлар ўзларини ҳамиша ниҳоятда ҳушёр, ҳар бир амалидан огоҳ тутишлари лозим. Шунинг учун тасаввуф аҳли истилоҳидаги “гадо” сўзини “дунё моддиятига дил бермаган одам” тарзида кенгроқ идрок қилиш лозим. Бу борада Шайх Саъдий

Нигоҳбонийи мулк-у давлат балост,
Гадо подшоҳ асту номаш гадост,

яъни “мулку давлатни асраш бир бало (ғоят мушкил иш), гадо ҳақиқатда подшоҳ бўлиб, номигина гадодир” – дейди.

Огаҳий ижоди, умуман, ижтимоий-сиёсий ва маърифий дунёқарашига Низомий таъсирини унинг

Даҳр қасриким ҳақиқатда куҳан вайронадур,
Они ҳар ким маскан этмак истади девонадур.
Сақфида ер сарбасар ондин ёғор гарди хатар,
Аминиятдин йўқ асар, ваҳ, на ажаб кошонадур.
Фитна афвожи онинг сокинлари қасди учун
Тортибон онда жафо тийғин мудом айлонадур... (6,167.)

каби сатрлар оҳангида ҳам кўрамиз. Ушбу мисраларда баён қилинган фикрлар “Махзану-л-асрор”нинг “Дунё бевафолиги ҳақида” деб номланган ўн биринчи мақолати мазмунига мувофиқ келади. Хусусан, Огаҳийнинг мазкур ғазалидаги “амниятдин йўқ асар” сатрлари

Кунжи амон нест дар ин хокдон,
Мағзи вафо нест дар ин устихон

(таржимаси: бу тупроқда бир омон топадиган хилват йўқ, бу суякда ҳеч ҳам вафо илик мавжуд эмас) байтидаги фикрларга ҳамоҳанг бўлса, ғазалнинг дастлабки байти мазмуни худди шу бобдаги

Нест ҳама сола дар ин деҳ савоб,
Фитнайи андеша-у ғавғойи хоб.
Хилвати худ соз адам хонаро,
Боз гузор ин деҳи вайронаро

(таржимаси: “бу қишлоқ – дунёда ҳамиша тўғрилик бўлмаган, унда мудом фикрлар фитнаси-ю уйқу ғавғоси. Бу уйда ўзингга хилват гўша ҳозир қил, бу кўҳна вайронадан воз кеч”) байтларига мувофиқ келади.

Дунё бебақолиги ҳақидаги ғоя Огаҳий тарихий асарларидан гоҳ иқтибослар, гоҳ нукта ва танбеҳлар, гоҳ ривоят, гоҳ рангин назмлар орқали

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-321-327

очиб берилган. Масалан, биргина “Гулшани давлат” асарининг ўзида “Қуръони карим”нинг “Оли Имрон” сураси 185-ояти, “Анбиё” сураси 35-ояти, “Анкабут” сураси 57-оятида келган “куллу нафсин зā’иқату-л-мавт”, яъни “Ҳар бир жон ўлим (аччиғи)ни тотувчидир” иқтибоси тўрт марта такрорланган (7,123.)и бежиз эмас.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Огаҳий ижодида Низомий таъсири сезиладиган ўринларнинг кўпчилиги, албатта, умуминсоний ғоялар талқини билан боғлиқ. Шундай бўлса ҳам, Огаҳийнинг бадиий тафаккурида Низомийдан нур олган жиҳатлар яққол намоён бўлади. Шулардан бири, бизнингча, Огаҳийнинг одил шоҳ ғояси талқинида тутган ўрнидир. Маълумки, Низомий “Хусрав ва Ширин” достонининг бош қаҳрамони сифатида Хусравни танлайди. Низомийнинг бундан – тарихий Хусрав образини иделлаштиришдан мақсади замон шоҳларига ибратли, одил шоҳ тимсолини яратиш эди. Огаҳийнинг бу борада Низомийга ҳамоҳанглик касб этадиган жиҳати шундаки, Огаҳий ҳам адолатпаварлик ҳақидаги ғояларини шоҳларга баъзан “ишқий ғазал айта туриб” (Омон Матжон таъбири) ҳам изҳор қила олган бўлса, айрим ҳолларда уларнинг бир фазилатини ўн қилиб кўрсатиб, ғоят нуктадонлик билан хонларда ўзидай эмас, устод мадҳиясида таърифлангандай иш тутиш истагини уйғотишга ҳаракат қилган. Масалан, Огаҳийнинг форсий “Таърихи жулуси Муҳаммад Аминхон” таърихида қуйидаги байтлар бор:

Шоҳи кишваркушо Муҳаммад Амин –
Сарвари хусравони чархи ҳашам...
Ҳомийи давлату муваррижи дин,
Моҳийи бидъату музили ситам.
Таржимаси:
Юртга файзбахш этган Муҳаммад Амин
Хусравлар ичра бир соҳиби ҳашам.
Давлатнинг ҳомийси, диннинг паноҳи,
Дастидан даф бўлмиш бидъату ситам (8,35.).

Бу ўринда “давлатнинг ҳомийси, диннинг паноҳи” мисрасида “аддийну ва-л-мулку тавъамаани” – “давлат ва дин эгизак” (9,248.) ҳадиси шарифига ишора қилинмоқда. Албатта, Огаҳий яшаган ижтимоий-сиёсий ва маърифий муҳитда ушбу ғоянинг етакчилик қилиши табиий ҳол эди,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-321-327

деб қараш лозим. Ўзбек ва форс адабиётининг йирик вакиллари ижодида ушбу ғоя турли шаклларда ифодаланган. Жумладан, форс адабиётининг атоқли намояндаларидан Хожу Кирмоний бу ҳақда шундай ёзган:

Ки, арбоби маъоний нек донанд,
Ки, дину мулк боҳам таъвамонанд.
Назди хирад шоҳию пайғамбарий,
Чун ду нигинанд дар ангуштарий,

яъни, “маъно аҳли дин ва давлат иккаласи эгизак эканлигини яхши биладилар. Оқиллар наздида шоҳлик ва пайғамбарлик бармоқлардаги икки узук кабидир”. “Шоҳнома”да эса айни шу фикрлар ифодаси тубандагича берилган:

Бувад дину шоҳий чун тан бо равон,
Ба-дин ҳар давон пой дорад жаҳон...
Чунон дон, ки шоҳию пайғамбарий,
Ду гавҳар бувад дар як ангуштарий...
Чу динро бувад подшо посбон,
Ту ин ҳар дуро жуз биродар махон,

яъни, “Дин ва шоҳлик руҳ ва тан кабидир, шу иккиси билан жаҳон ўз жойида турибди. Шуни англаки, шоҳлик ва пайғамбарлик бир бармоқ(қўл)даги икки гавҳар(узук)дир. Подшо динга ҳомийлик қилар экан, бу иккисини ака-укадан бошқа нарса дема”.

Низомий ҳам ушбу мавзуда сўз юритиб, жумладан, ёзади:

Гуфтаи онҳо, ки озодаанд
К-ин ду зи як аслу насаб зодаанд,

яъни озода (покиза, инсонпарвар инсонлар) сўзи шуки, бу иккаласи – дин ва давлат аслу насабда бир нарсадир.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, Огаҳийнинг юқоридаги мисралари айнан Низомий ёки бошқа бир салаф шоирнинг айни таъсири остида юзага келган, деб ҳам хулоса чиқариб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, бу муҳим ижтимоий-сиёсий ғоянинг турли ижодкорлар фикрларини қиёслаш орқали келтиришимиздан мақсад “умуминсоний ғоялар ифодаланган асарлардаги умумийлик, ифода ва мазмун муштараклиги адабий таъсирдан ҳам кўра ғоявий издошлик, бутун гуманистик ижодкорлар тафаккур тарзидаги яқинлик, ҳамоҳанглик натижаси” – деган мулоҳазани яна бир карра таъкидлашдир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-321-327

REFERENCES

1. صفا ضبیح الله . تاریخ ادبیات درایران. ج ۲ص ۱۰۱۳
2. Исмоилов И. Огаҳийнинг форсий мероси: Филол.. фан... номз... диссе... – Самарқанд. 2010. – Б. 24.
3. Манбаларда Паҳлавон Маҳмуд Пурёрвалий зикри. Нашрга тайёрловчилар: Ж.Маҳмудов, М.Карамий. –Тошкент. 2007.
4. Kalandarov M. Manzum eseri düz yaziya aktarmada “Haft Peyker” örneği. Example of “Haft Peyker” for transfering verse text into prose// Gazi Türkiyat, Güz 2012/11. – S. 69.http://turkiyat.gazi.edu.tr/posts/download?id=44233
5. Мунис Хоразмий. Сайланма. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1080. – Б. 11.
6. Огаҳий, Асарлар. Олти томлик. Биринчи том. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – Б.66.
7. Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Асарлар. 6-жилд. Гулшани давлат (Давлат гулшани). Нашрга тайёрловчи Абдулла Ўрозбоев. – Тошкент: “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2020.– Б. 123.
8. Абдулҳакимов М. Огаҳий тарихлари ҳақида // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. 2007., № 2– Б.35
9. Али Акбар Деҳҳудо. Амсол ва ҳикам. Жилди аввал. – Теҳрон: Амири Кабир. 1379 ҳ.ш. – С. 248.